



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ГЕНДЕР ТАРБИЯНИ МАСАЛАЛАРИ.

ПРАТОВ САИДМУРОД ИРГАШОВИЧ.

ТерДУ ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7270853>

ARTICLE INFO

Received: 10th October 2022

Accepted: 20th October 2022

Online: 31st October 2022

KEY WORDS

Гендер, интеллектуал,
тарбия, жинс, жамият,
комплекс, педагог, муҳит.

ABSTRACT

Ушбу мақолада гендер тенглик ҳақида тушунчалар, мактабгача таълим ташкилотларида гендер тарбиянинг ўрни ва уни мустахкамлаш ҳақида маълумотлар берилган.

Гендер фарқланишлар ва тенглик асосида ташкил этилган таълим жараёни сифатида жамият тараққиётига муҳим ҳисса қўшади. Инсоният тараққиёти шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатларнинг ҳар томонлама тараққиёти марказида жамият ривожланишининг иқтисодий кўрсаткичларигина эмас, балки инсон ва унинг ижтимоий маънавий манфаатлари ҳам туриши кераклиги алоҳида ўрин тутди.

Тараққиётнинг пировард мақсади ва унинг самараси мезони - жамият аъзолари имкониятларини кенгайтириш, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, юқори турмуш даражасига эришиш каби омилларга боғлиқ бўлса, унинг ибтидоси мамлакатда амалга ошириладиган таълим ислохотлари истикболлари билан уйғунлашиб боради. Шунинг учун ҳам XXI асрда фақатгина иқтисодий ўсишнинг ўзи асосий мақсад эмаслиги тан олинмоқда.

Яъни жамиятнинг даромадлари фақат инсонлар ҳаётий эҳтиёжларини таъминловчи воситагина холос. Буюк юнон мутафаккири Арасту таъкидлаганидек, “бойлик биз интилаётган асл мақсадимиз эмаслиги аниқдир, у шунчаки фойдали ва ўзга нарсага эга бўлиш истагидир.” Дарҳақиқат, мамлакат тараққиётининг барқарорлиги, жамиятнинг барча соҳаларидаги ислохотларнинг самарадорлиги ва пировард натижасида иқтисодий ривожланишнинг юқори даражасини таъминлаш бевосита таълим тизими ва унинг даражасига боғлиқдир. Зеро, таълим инсон камолотининг таркибий қисми, жамият муаммоларини хал қилишнинг асосий омили ҳисобланади. Бошқача айтганда, таълим инсон ривожланишининг таркибий қисми сифатида қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларни бартараф этишга мислсиз таъсир кўрсатади.



Гендер тенглик иккала жинс вакилининг жамиятнинг ижтимоий, иктисодий, маданий ва сиёсий, бошқарув ва бошқа соҳаларда тенглигидир. Республикамизда таълим тизими доимо давлатнинг эътиборида булмоқда. Ўтган давр мобайнида соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлоднинг шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали мактабгача таълим тизимини ташкил қилиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Таълим жараёнида болаларга дўстона муносабатдаги муҳитни яратиш орқали жуда кўп ижтимоий тарбия мақсадларини амалга ошириш мумкин. Жумладан, барча болаларни ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар таълим муассасига жалб этиш; кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг болалари ва бошқаларнинг таълимга тўлиқ жалб этилишини таъминлаш; болаларнинг жисмоний, интеллектуал ва гендер тафовутлари эътиборга олиниб, мактабгача таълимда тенглик муҳити барпо этилади; барча болалар таълим жараёнида тенг имкониятларга эга эканлиги кафолатлаш ва бошқалар.

Мактабгача таълим муассасаларида гендер сезгирликни ҳисобга олиб, ўғил бола ва қиз болалар учун тенг таълим-тарбия олиш имкониятларини таъминлаш, таълим-тарбия олишда тенгликни таъминлаш, камситиш ва стереотипларга барҳам беришни таъминлаши шубҳасиздир.

Одатда гендер муносабатларининг шаклланиши болаларнинг жинсий тарбияси билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Жинсий тарбия - болалар,

ўсмирлар ва ёшларда жинс масалаларига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириб боришга қаратилган тиббий, психологик ва педагогик тадбирлар тизими; тарбия жараёнининг муҳим қисми бўлиб, шахснинг жисмоний, ақлий, маънавий ва эстетик ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Жинсий тарбияни болаларнинг ёши, жинси ва малакасига мос тушадиган қилиб олиб бориш зарур. Кўплар жинсий тарбияни балоғат ёшида бошлаш керак деб ҳисоблашади. Бу нотўғри, чунки бунга тааллуқли айрим масалаларни боланинг ёшлигидан бошлаб ҳал қила бориш керак. Кўпгина ота-оналар жинс масаласини муҳокама қилиш одобдан эмас деб ўйлаб ёшларни қизиқтирадиган масалалар тўғрисида сўзлашмасликни лозим кўришади. Натижада, болалар атрофдагилардан, кўпинча тасодифий манбалардан кўр-кўрона маълумотлар олиб, ўзларини қизиқтирган мавзулар юзасидан аксари нотўғри тасаввурга эга бўлиб қоладилар. Аввало, ёшлар жинс орасидаги тафовутлар, улар жинсий аъзоларининг тузилиши ва моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлишлари лозим. Аммо жинсий тарбия орқали турли жинс вакилларининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг кучли ва заиф жиҳатлари, ўзаро муносабатлари шаклланишининг ижтимоий, ҳуқуқий томонлари ҳам ҳисобга олиниши муҳимдир.

Мактабгача таълим муассасасига қадам қўйиш ҳар бир бола учун ниҳоятда катта ҳаётий бурилишдир. Мана шу даврдан бошлаб бола оилада нафақат оилавий муносабатларни, ваҳоланки, ўз шахси учун зарур бўлган хусусий



вазифаларни бажариши шарт даврга ўтади. Бу билан унинг оиладаги роли бир қарашда камайгандай эмас, аксинча кўпайган бўлади. Яъни у ўз обрўсини энди нафақат оила аъзолари ўртасида, аксинча, жамият ўртасида оила обрўсини ўз шахсий ҳаракати билан ҳимоя қилиш даври бошланади. Аммо, ҳали бола буни англаб етишга қодир бўлмайди.

Оддий тушунчалар ҳам ҳар кимда ҳар хил тезлик ва қувватда из қолдиради. Бу ҳодиса биринчи ўринда инсоннинг шахсий хусусият, қобилият ва ёши билан боғлиқ бўлади. Мана шу ўринда биз биринчи бор шу пайтгача бола, деб айтиб келган тушунчани иккига ажратишимиз лозим бўлади, яъни қиз бола ва ўғил болага.

Тўғри, фарзанд туғилгандан бошлаб оилада унинг жинсига қараб муомала қилинади ва бу билан жинсий тарбия оилада бошлаб юборилади. Аммо, болалар катта бўлгани сайин уларнинг жинсий фарқи кўпайиб боради. Буни оилада алоҳида ҳисобга олинсагина оилавий руҳий муҳитга путур етмаган бўлади ва болалар оила аъзоси сифатида оилавий ҳолатда ўзларини эркин сезади, ўзларининг жинсий ролини тўғри талқин қилишга ўрганади.

Халқ, кўпчилик сезган бу оддий тушунчанинг таги узоққа кетади. Руҳшуносларнинг физиолог, медик, педагог ва бошқа мутахассис олимларнинг кузатишлардан келиб чиқиб айтишлари шуни билдирадики, қиз болалар ўғил болаларга қараганда болалик даврида фаолроқ бўлиб, ўғил болаларни ўсиш ва улғайишда ортда қолдиради.

Қиз болаларнинг бундай табиий фаоллигини оила аъзолари албатта билишлари керак. Бу ҳол алоҳида эътиборга олинса, оилада шахсларнинг ўрни ва хусусиятлари тўлиқ ҳисобга олинган бўлиб руҳий муҳити ижобийлашиб боради. Акс ҳолда қиз боланинг шўхликларига нотўғри баҳо берилган бўлади. Қиз бола шўхликда айбланиб, ўғил бола нофаолликда салбий баҳоланиши мумкин. Баъзан шу каби ҳолатлар жинс муносабатларида ижтимоий ва ҳуқуқий масалаларда муаммоларга ҳам олиб келиши кузатилади. Аслида эса бу жисмоний, физиологик ва психик ўсишдаги ёш ва жинс тафовутларидир.

Ижтимоий-психологик жиҳатдан 2 ёшгача бўлган даврда ўғил ва қиз бола ўз жинсини англаши, «ўғил бола» ёки «қиз бола» эканлигини тушуниши лозим. Бунинг учун эса «сен ўғил боласан, мард бўл», «сен қиз боласан, меҳрибон бўл» каби сўзлар айтилиши муддао. Ўғил ва қиз болаларга ҳос ўйинлар, эртақ китоблар, етакчилик қобилиятини шакллантирувчи қаҳрамонларни мисол келтириш лозим. Ўғил бола Бетмен, Ўргимчак одамга ҳавас қилсин, Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди каби тимсолларни билса, қиз бола меҳрибон онасига, опаларига, Нодирабегим, Увайсийларни билса уларда ҳақиқий инсоний фазилатлар намоён бўлишига заминдир. Муҳими уларда ўз жинси ҳақида тасаввур бўлади.

Кичиклигидан қиз бола ўғил боладан нимаси билан ажралиб туради, юриштириши, кийинишидан тортиб, муомаласигача тушунтириши керак, аммо икки жинсни ҳеч қачон бир бирига нисбатан камситишга йўл қўймаслиги



лозим. Ота-она бу борада фарзандига ўзлари ўрнатган бўлишини унутмаслиги лозим.

Болаларга худди шундай тарбия таълим муассасаларида ҳам ҳамоҳанг давом этишини таъминланиши муҳимдир. Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган фаолият

марказларида машғулотлар давомида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, болаларнинг баркамол бўлиб вояга етишлари, уларнинг келажакдаги муносабатларининг ижодий бўлишида гендер муносабатларининг роли муҳимдир.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшидаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблар. Тошкент.ш. 2018
2. Илк қадам давлат ўқув дастури. Тошкент. 2018
3. Гендер муносабатлари назарияси ва амалиётига кириш. .Тошкент.2007
4. Dilmurodovna, S. M. (2019). Psychological properties of tolerance. Проблемы науки, (6 (42)), 108-109.
5. Qizi, S. M. D. (2022). Socio-Psychological Views of Eastern Thinkers on Social Tolerance. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 2(3), 219-220.
6. Sattorova, M. (2020). Social tolerance is period demand. Scientific research results in pandemic conditions (COVID-19), 1(03), 150-152
7. Sattorova, M. (2022). DIAGNOSTICS OF SOCIAL TOLERANCE OF STUDENTS. Science and innovation, 1(B5), 526-528.